

## ИЛК МУСУЛМОН ЖАМИЯТИДА ДИПЛОМАТИК АЛОҚАЛАР (МАЬОРИЖУН НУБУВВА АСАРИ АСОСИДА)

Ибрагимова Мухаббат Баҳодировна  
Ўзбекистон Халқаро Ислом академияси магистранти

**Аннотация.** Темурийлар даврида Хурисон ўлкасида илмий фаолият олиб борган Муъиниддин Фароҳий (ваф. 907/1501) фаннинг турли соҳаларига оид қимматли асарлар ёзиб қолдирган. Улар орасида пайғамбарлар тарихи, айниқса ислом тарихи ва “Муҳаммад (с.а.в.) нинг таржиси маъни ҳолига бағишланган Маъориж ан-нубувва фи мадориҷ -ал футувва асари алоҳида ўрин тутади. Муаллиф Муҳаммад (с.а.в.) нинг ўзга юрт вакиллари билан олиб борган дипломатик алоқалари алоҳида тўхтамлган. Унда пайғамбар (с.а.в.) томонларидан бир нечта қоидаларнинг жорий қилинганини келтириб ўтади. Асардаги ушибу жиҳатлар ҳозирга қадар илмий асосда тадқиқ қилинмаган. Шу нуқтаи назардан уни ўрганишига жиҳдий эътибор берииш талаб этилади.

**Калим сўзлар:** Муъиниддин Фароҳий, Темурийлар даври, сийрат, Маъориж ан-нубувва фи мадориҷ -ал футувва, элчилик муносабатлари, Пайғамбар (с.а.в.), Арабистон ярим ороли, мактублар, муҳр, келишиув.

## ДИПЛОМАТИЧЕСКИЕ ОТНОШЕНИЯ В РАННЕМ МУСУЛЬМАНСКОМ ОБЩЕСТВЕ (НА ОСНОВЕ МА’АРИДЖ АН-НУБУВВА)

Ибрагимова Мухаббат Баҳадировна  
Магистрант Международного Исламского академии Узбекистана

**Аннотация:** Му’иниддин Фарахи (ум. 907/1501), ведший научную деятельность в Хорасане в эпоху Тимуридов, написал ценные труды по различным областям науки. Среди них особое место занимает история пророков, особенно история ислама, и труд под названием Ma’aridж ан-нубувва фи мадоридж-ал футувва, посвященный жизнеописанию Мухаммада (мир ему и благословение). Особое внимание автор уделил дипломатическим отношениям Мухаммеда (мир ему) с представителями других стран. В нем Пророк (мир ему и благословение) упоминает о введении нескольких правил. Эти аспекты в произведении до сих пор не были научно исследованы. С этой точки зрения заслуживает самого пристального внимания его изучению.

**Ключевые слова:** Му’иниддин Фарахи, эпоха Тимуридов, сира - жизнеописание Пророка Мухаммада (мир ему), Ma’aridж ан-нубувва фи мадоридж-ал футувва, дипломатические отношения, Пророк Мухаммад (мир ему), Аравийский полуостров, письма, печать, соглашение.

## DIPLOMATIC RELATIONS IN THE EARLY MUSLIM SOCIETY (ON THE BASIS OF MA’ARIDJ AN-NUBUWWA)

Ibragimova Mukhabbat  
International Islamic Academy of Uzbekistan Master's degree student

**Abstract:** Mu'iniddin Farahi (d. 907/1501), who carried out scientific activities in Khorasan during the Timurid era, wrote valuable works on various fields of science. Among them, the history of the prophets, especially the history of Islam, and the work entitled Ma'aridj an-nubuvvwa fi madarij-al futuwwa dedicated to the biography of Muhammad (pbuh) has a special place. The author specifically focused on the diplomatic relations of Muhammad (pbuh) with representatives of other countries. It is mentioned in this book that the Prophet (pbuh) established several rules. These aspects in the work have not yet been scientifically researched. From this point of view, it deserves the closest attention to its study.

**Key words:** Mu'iniddin Farahi Timurid era, aeerah, Ma'aridj an-nubuvvwa fi madarij-al futuwwa, diplomatic relations, Prophet Muhammad (pbuh), Arabian peninsula, letters, stamp, agreement.

Марказий Осиё илм-фан ўчоғи ва дунё тамаддун бешиги сифатида эътироф этилиши бежиз эмас. Тадқиқотчилар бу юрт уламоларининг серқирра ижодкор ва қомусий олим бўлиб етишиш сирлари ҳақида кўплаб изланишлар олиб борган. Бу заминда фаннинг турли соҳаларида излашишлар олиб борилиши билан бир қаторда сийратшунослик йўналиши хам муҳим ўрин тутган.

Темурийлар даврида Хурросонда илмий фаолият олиб борган олимлардан бири Мухаммад ибн Мухаммад Мискин ал-Фарохий бўлиб, унинг тўлиқ исми Муъинуддин Мухаммад Амин бин Ҳожи Мухаммад Фарохий Ҳиравий. Манбаларда олимнинг ҳаёти ва илмий фаолияти ҳақида маълумотлар кам сақланиб қолган. Муъиниддин Фарохий ҳақида Ҳиротлик тарихчи Ҳондамир (1473-76-1534) ўзининг Ҳабиб ас-сийар асарида қўйидаги маълумотларни келтиради: “Темурийлар даврида ислом ва қалом илми асослари кучайган бир давр эди. Қалом илмининг энг йирик намоёндоларидан бири қози Низомиддин Мухаммаднинг укаси Мавлоно Муъиниддин Фарохийдир. У ўз даврида кўпгина олимлардан ажralиб турар эди. Муиниддин Фарохий хаттот ҳам бўлиб, ўша даврнинг кўпгина моҳир хаттотлари унинг санъатига қарши тура олмас эдилар. У Ҳиротнинг жомеъ масжида ҳар жумъа куни намоздан сўнг ваъз ҳамда Куръони каримдан оятлар ва ҳадиси шарифлардан ўқир эди. Акаси вафотидан сўнг Шоҳруҳ Мирзо таклифига биноан бир йил қозилик қиласи. Унинг Маорижун ан- нубувва асари ҳалқ орасида машҳур бўлган. Унда Мухаммад (с.а.в.) таржимаи ҳоли ва улар билан боғлиқ бўлган турли ривоятлар ўрин олган. Мавлоно Муъиниддин 907/1501 йилда вафот этган. У Ҳожа Абдуллоҳ Ансорий қабристонида акаси қози Низомиддин ёнида дафн этилган.[9:340]

Муъиниддин Фарохийнинг Маъорижун ан нубувва фи Мадорижул Футувва асари бўлиб, Ҳожи Мухаммад Фарохийнинг мазкур асари Мухаммад (с.а.в.) ва ундан олдинги пайғамбарларнинг маълум тарихи ва улар ҳақидаги ҳар хил ҳикоялар билан бойитилган батафсил таржимаи ҳолидир. Шунингдек, бу асар Си亞ру шариф номини ҳам олади. Бу асар 891/1485 йилда Ҳиротда ёзилган. Ўз вақтида Үрта Осиёда катта шуҳрат қозонган.[10:14] Муъиниддин Фарохийнинг Маъориж ан- нубувва фи мадориж ал- футувва” асари ўз даврида ислом тарихи ва сийратни ўрганишда муҳим манбалардан бири ҳисобланган.

Ушбу мақола учун Маъориж ан- нубувва асарининг Сулаймония кутубхонаси, Аясоғя коллесясида 3442 анжом рақамли энг қадимги нусхаси асос қилиб олинди.

Фарохийнинг мазкур асарда ифода этилган илк ислом жамиятига хос дипломатик ва элчилик муносабатлари асарнинг тўртинчи рукнида, ҳижратнинг олтинчи йили содир бўлган воқеалар бобида баён қилган. Шунингдек бу руқунда, илк ислом даврида ислом таълимотларига асосланган ҳалқаро ҳуқуқий муносабатларни кўришимиз мумкин. Бу тизимнинг ҳуқуқий ноғоёндаси Мухаммад (с.а.в.) эдилар. Бу тизим Куръони карим, Сунна, ижмоъ, қиёс, урф одатлар ва шариатга мувофиқ ҳалқаро келишувларга асосланган Мухаммад (с.а.в.) томонидан ўрнатилган ўзаро муносабатлар ҳолати ҳуқуқ ва мажбурятлари кейинги даврлар учун умумий қонуният вазифасини бажарди.

Бу қонуният ислом тарихи манбаларда ўз аксини топган бўлиб, хусусан биз ўрганаётган Маъориж ун-Нубувва асарида ҳам Муъиниддин Фарохий бу масалаларда алоҳида тўхталиб ўтган.

Муъиниддин Фарохий Маъориж ан-нубувва асарида исломдаги илк дипломатик муносабатларни ифода этаркан, у бу мавзуни ўзига хос услугуб яъни, куръон оятлари, ҳамда ҳадису шарифларга суюнган ҳолда ёритади.

Асарда келтирилган илк элчилик муносабатларига хос маълумотларни қўйидаги босқичларга бўлиш мумкин.

Элчилар ташрифи

Элчи танлаш ва юбориш,

Мамлуклар ва подшоларга юборилган мактублар

Таржимонлар масаласи

Мактублар ва унга боғлиқ расмий қоидалар

Фарохий илк дипломатик муносабатларни айниқса Ҳижратдан сўнг вужудга кела бошлигини ўша давр воқеаларида келтириб ўтади. Асардаги дипломатик муносабатларни акс этирувчи ривоятлардан Мадина шахри учун янги босқич бошланганлиги, вакт ўтиши билан Мадина шахри давлат суверенитет ҳуқуқига эга бўлганлигини, шу билан бирга диний, сиёсий ва ҳарбий соҳаларга доир қарорлар қабул қилинганлигини кўриш мумкин. Муъиниддин Фарохийнинг ёзишича Расулуллоҳ томонларидан қўшни давлатлар ва бошқа араб қабилалари билан муносабатлар ўрнатилган. Таклифномалар ва хатлар ёзилган, ҳамда ҳалқаро муносабатлар вужудга келган.

Асарда келтирилган Ҳудайбия сулҳини оладиган бўлсак, бу сулҳ борасида ҳижратнинг олтинчи йили имзоланган Ҳудайбия сулҳи Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг исломда олиб борилган дипла-

матик муносабатларнинг биринчи нуқтасини ташкил этди. Муъиниддин Фароҳий Ҳудайбия сулҳини ёритишида дипломатик келишув яъни (сулҳ)нинг гарчи шартлари жуда оғир бўлсада ва ўша пайтда умрада қатнашган саҳобаларнинг эътиrozларига сабаб бўлган бўлсада, исломда эришилган энг катта ғалаба бўлганлигини таъкидлаб ўтади [6:520а]

Ҳудайбия сулҳи “Маориж ун- Нубувва” асарининг тўртинчи бобида ёритилган. Мазкур асарда Ҳудайбия сулҳининг, исломдаги биринчи дипломатик муносабатлари сифатида баъзи хусусиятларини кўришимиз мумкин.

• Аввало давлатчилик нуқтаи назаридан Арабистон ярим оролида исломнинг энг шавкатсиз душмани, ҳамда шу вақтгача исломни ва ислом жамиятини ҳеч қачон тан олмаган мушрик араблар диний ва ижтимоий жиҳатдан доим ўзларини устун деб билар эдилар. Араб мушриклари яъни қурайшликлар сиёсий ва ижтимоий жиҳатдан ислом давлатини расман қабул қилиб, исломга чақириқ борлигини тан олишга мажбур бўлдилар.

• Ислом ва мусулмонларни йўқ қилиш учун тинимсиз харакат қилаётган мушриклар яхудийлар ва мунофиқларни тинмай гижгижлаётган бу қабила, энди, ўн йил мобайнида мусулмонлар билан инсонпарварлик нуқтаи назаридан яхши муносабатда бўлиб, тинчлик ва осойишталик учун рози бўлишга мажбур бўлдилар.

• Улар “ислом давлатчилигининг” бошқа душман гурух билан ҳал қилиниши керак бўлган масалаларда бетараф бўлиш шартларини имзолар эдилар.

Бу келишув тинчликка асосланган дипломатик келишув даври ислом давлатига янги кўришишлар, янги замин ва майдон очди.

Асарда муаллиф бу келишувни баён қиласар экан, Расулуллоҳ (с.а.в.) Ҳудайбияда бу сулҳни имзолаганларида ўз вақтида қабул қилган шартлар мусулмонлар учун нималар келтиришини ҳисобга олаганликларини, қолаверса, бунинг ортидан келадиган ҳикматни ҳам билганликларини у зотнинг кутган ва ҳисобга олган натижа юзага келганлигини айтиб ўтади.

Маъориж ун-Нубуввада Фароҳий элчилик муносабатларини, ҳамда, Расулуллоҳ (с.а.в.) хузурларига кўплаб элчиларнинг ташриф буоришини бошқа тарихчилар каби, асосан Табук ғазотидан сўнг содир бўлганлигини ва ҳатто ўша йили “Элчилар йили” деб номланганлигини келтирган.[6:585a] Муаллиф Табук ғазоти ислом динининг нуфузини янада кўтарганини, бу эса иккиланиб турганларнинг Исломга киришларига туртки бўлганлигини эътироф этади, ҳамда “Элчилар йили” деб номланишига сабаб бўлган. Асарда 12 та гурух элчиларнинг номлари куйидаги тартибда келтирилган:

1. Бани Мурра элчилари.
2. Бани Омир элчилари.
3. Бани Асад.
4. Бани Бикор.
5. Нажиб элчилари.
6. Бани Канона элчилари.
7. Бани Саъд элчилари.
8. Нажрон элчилари.
9. Бани Ҳанифа элчилари.
10. Абду Қайс элчилари.
11. Бани Сакиф элчилари
12. Бани Тужиб [6:585b-594a].

Маъориж ан- нубувва асарида келтирилган ривоятларга кўра, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бошқа юртларга юборган элчилари ва узотнинг бошқа юртлар ва қабилаларнинг элчилари билан бўлган муносабатларга ва давлатлар орасидаги муносабатларда Пайғамбар (с.а.в.) катта аҳамият берганликларини маълум бўлади. Муъиниддин Фароҳий асарда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг дипломатик муносабатлар борасида бир неча расмий қоидаларни жорий қилинганликлари ҳамда унга қатъий амал қилинганликларини ҳам келтириб ўтади. Уларнинг баъзиларига тўхталиб ўтамиз.

Элчиларнинг жўнатилиши ва қабул қилиниш ҳолатлари: Асарда Расулуллоҳ (с.а.в.) хузурларига элчиларнинг ташрифи ёки у зотнинг томонидан юборилишининг ўзига хос ташрифот қоидалари баён қилинган бўлиб, Фароҳий бу масалаларда алоҳида тўхталиб ўтган. У даврда Пайғамбар (с.а.в.) олдиларига бир элчи ёки вакил келса, орада хизматчи бўлар, бу хизматчи мусофиirlарга Пайғамбар (с.а.в.) элчиларни қандай қабул қилишларининг хабарини олдиндан маълум қиласар эди. Элчилар учун олдиндан турар жойлар тайинланган ва улар билан бўлган

учрашувлар хушмуомалик билан олиб борилган. Шу билан бирга пайғамбаримиз элчиларнинг совғаларини қабул қиласардилар, уларга ҳадялар берардилар. Муаллиф бу ҳолатни асарда шундай изохлади:

“У зот элчилар жамоасини кутиб олганда, чиройли чопонларини, гўзал кийимларни кияр эдилар ва саҳобаларига ҳам бу ишни буюрар эдилар. Келган элчиларни пок ва гўзал жойда кутар эдилар, зиёфат бериб, меҳмондорчилик қиласардилар, қачонки уларнинг жўнаб кетиш вақтларида, уларга кўп ҳадялар берар эдилар, уларнинг ҳаққига дуо ва ҳамд айтиб жўнатар эдилар. У жамоат рози ва тиллари хўл холда ватанларига қайтар эдилар” [6:585в].

Мадинада мусофиirlар учун мусофиirхоналар бор эди. Равла бинти ал Хориснинг уйи шулар жумласидан бўлиб, Фароҳий асарда Бани Ҳанифа элчиларининг айнан расуллоҳнинг буйруқлари билан Равла Бинти ал Хориснинг уйига тушганлигини келтириб ўтган.

“Бани Ҳанифа элчилари бор эдилар. Улар Мадинага етиб келгандаридан Расулуллоҳ (с.а.в.) с.а.в.нинг кўрсатмалари билан Рамла бинти Ал-Хорис уйида қолдилар” [6:592а].

Бундан ташқари элчиларнинг келиб тушиш жойлари ва кутиб олиниш учун асосий макон асарда масжид эканлиги ҳам айтилган. Муаллиф асарда Бани Асад қабиласининг элчилари ташрифи ҳақида тўхталиб ўтганда, элчиларни Расулуллоҳ (с.а.в.) билан учрашиш мақсадида масжидга кирганликларини ҳам маълум қиласди. Бу элчилар ўз мусулмон бўлганликларини миннат қилганликлари туфайли уларнинг сўзлари оллоҳ таолога хуш келмади. Фароҳий Бани Асад элчилари ташрифини маъориж асарида жуда қисқа тарзда келтиради [6:586а], ҳамда, Бани Асад тўғрисида нозил бўлган оятларнинг қайси сурадан эканлигини келтирмайди. Муаллиф асарнинг бошдан охиригача келтирган оятларнинг ҳеч бирини қайси сура ва неchanчи оят эканлигини келтириб ўтмаган. Баъзи ҳадисларни санади билан, баъзисини санадсиз келтирган. Бани Асад элчиларининг келишини шундай баён қила

“Бошқа элчилар Бани Асад қабиласидан эди. Улардан ўн киши Мадинага келиб, мусулмон бўлдилар ва миннат қилиб айтдиларки, “Биз қаҳди машаққат йилида узоқ ердан келдик. Бизга аскар келмасдан, бу диёрга келиб ўз хоҳишимиз билан мусулмон бўлдик” дедилар. Уларнинг ҳақларига ояти карима нозил бўлди” [6:586а]. Нозил бўлган оят Хужурот сурасининг 17 ояти эди.

Бундан маълум бўладики, Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг элчиларни кутиб олиш манзилари асосан масжид бўлган.

Юборилаётган элчининг танланиши: Муъиниддин Фароҳий Маъориж ан-нубувва асарида Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг дипломатик услубларидан яна бирини баён килиб, элчиларнинг ислом оламида Пайғамбар томонидан жуда билимдонлик билан танланганликлари келтиради. Асарнинг тўртинчи рукнида бу воқеалар ўз ифодасини топган. Расулуллоҳ (с.а.в.) бошқа юрт ёки подшоҳларга юборадиган элчиларини энг малакали ва қобилиятли кишилар орасидан танланганлар, айниқса ахлоқи ва кўриниши чиройлиги, ундаги ишонтириш кучи, идроки, ростгўйлиги каби фазилатларга эга кишиларни юборишга интилганлар. Бу эса, исломни гўзаллигини номоён қилишдан иборат эди.

Асарда келган Рум ҳукмдорларига юборилган элчи Деҳлати Калбий ва Муқовқисга юборилган элчи Хотиб бин Абий Балтолар шулар жумласидан бўлган. Булар ҳукмдорлар билан курган сухбатида исломнинг нақадар гўзал ва барча жиҳатдан мукаммал дин эканлигини очиб берганлар.

Муъиниддин Фароҳийнинг ёзишича, Сурия, Ироқ ва Ҳабашистонга ҳам элчи юбориладиган бўлса, ўша худудларда бўлган ва уларнинг тилини яхши билган элчилар юборилган. Масалан асарда Хотиб ибн Балтони Миср ҳукмдорига юборилганлиги ҳақида келтирилган [6:586а].

Хотиб ибн Балто ҳақида баъзи манбаларда унинг Мисрда бўлганлиги ва у минтақани яхши билган кишилардан эканлигини, шу билан бирга Хотиб ибн Балто яхши нотиқ, юз ва ташқи кўриниши нихоятда гўзал ҳамда гапирганда юмшоқлик ва халмлик билан гапирадиган шахс бўлганлигини келтирилган. Демак бу сахобий Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг юборган бошқа элчилари қаби элчиликка муносиб кишилардан бўлган.

Муъиниддин Фароҳий асарда баъзи ҳолларда юборилаётган элчининг тил билиш жараёнида Расулуллоҳ (с.а.в.) томонларидан мўъжизалар содир бўлганлиги ҳақида қуийдаги маълумотни келтирган.

“Ривоят қилинадики ҳар бир мамлакатга жўнатилган элчилар, у мамлакат халқининг тилини билмас эдилар. У кеча ухлаб тонгда турганларида, ўша мамлакатларнинг тилларини билиш

учун элчиларга у мамлакатларнинг тилларини билар эдилар ва улар билан гаплаша олар эдилар.. Бу эса Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг мўжизалари эди.” [6:586а]

Муаллиф Маъорижда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг дипломатик фаолиятларини кенгайишини Макка фатҳи билан ҳам боғлади. Макка фатҳидан кейин, У зот гарчи фатҳ қилган бўлсаларда уни тинчлик йўли билан қўлга киритганларидан кейин, қурайшнинг хафвасизлигини таъминладилар. Қурайшнинг мағлуб бўлиши бошқа араб халқларининг ислом оламига қарши чиқишлиридан тўсди ва улардан кўплаб вакилларнинг Расулуллоҳ (с.а.в.) хузурларига келишларига сабаб бўлганликларини айтиб ўтади. Улар исломни қабул қиласи Мадина давлатининг сиёсий мавқеъидан фойдаланиб унинг ҳимоясидан паноҳ топар эдилар.

Элчиларнинг якка тартибда ёки ҳайъат бўлиб Мадинага Расулуллоҳ (с.а.в.) хузурларига ташрифлари, Пайғамбар билан учрашиб, ўз қабилаларининг исломга кирганликларини эълон қилиш ва Мадина давлати ҳимоясига ўтишларини англатар эди. Асардаги элчилар ташрифи сабабларини қўйидагича таҳлил қилишимиз мумкин.

1. Қабилаларини мусулмон деб эълон қилиш.
2. Исломни ўрганиш ва ўргангандарини халқларига ўргатиш.
3. Исломни етказувчи ва унинг таълимотини ўргатувчи кишини ўз юртларига таклиф қилиш.
4. Исломни шартли равишида қабул қилиш.
5. Дунёвий манфаъатларига эришиш.
6. Жизя ҳақида битим тузиш.

Маъориж ан-нубуввада баён қилинган воқеалардан қўриниб турибдики, исломдаги илк дипломатик муносабатларнинг дикқатга сазовор нукталари намоён бўлган. Муъиниддин Фароҳий асарда Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг элчи жўннатиш ва қабул ишларини баён қилиши билан бир қаторда, у зотнинг бу билан кифояланиб қолмаганликлари, балки бу дипломатик алоқаларнинг байённома жиҳатини ҳам бошқарганликларини айтиб ўтади.

Пайғамбар (с.а.в.)нинг дипломатик муносабатларни мустаҳкамловчи ва у зотни мақсадала-рини амалга ошириш ниятида подшо ва амирларга ёзган мактублари тўғрисида ҳам муаллиф асарда хижратнинг олтинчи йилида содир бўлган воқеалар қаторида баён қилган. бу мавзу асарнинг 5276 дан 534а вароқлари орасида келтириб ўтилган.

Подшоҳ ва амирларга юборилган мактублар. Ўз навбатида мазкур асар элчилик алоқала-рида подшоҳ ва амирларга юборилган мактублар мавзусини ҳам қамраб оларкан, Пайғамбар (с.а.в.)нинг мушриклар билан тузган ҳудайбия сулҳидан сўнг, ўша даврнинг нуғузли ҳукмдорларининг олти нафарига ва баъзи араб амирларига исломга чақириқ мактубини юборилганликини кўриш мумкин. Асарда бу мактублар Византия, Форс, Миср, Ҳабаш, ғассонийлар подшоҳлари ва баъзи араб амирларига юборилганлиги келтирилган[6:528а]. Бу мактубни олган исломнинг илк элчилари ва ҳукмдорлар исмини Фароҳий қўйидагича келтиради:

“Амр ибн Умайя аз Замрий Ҳабаш ҳукмдори Нажжошийга, Диҳя Калбийни Рум подшоҳи Қайсар Ҳирақлга, Абдуллоҳ ибн Ҳузофа Сахмийни Форс ҳукмдори Кисро Ҳусраф Парвизга, Хотиб ибн Абу Балта эса Миср ҳукмдори Муқавқисга, Шужоъ ибн Вахҳоб Асадийни Шом ўл-касидағи Балқо вилоятининг ҳокими Ибн Абу Шимрга юборилди, Ибн Амр Омирийни Яман волийси Ҳавза Ҳанафийга юборди. Бир ривоятда етти мактуб жўнатганликлари келтирилиб, еттинчи мактуб Баҳрайн подшоси Мунзир ибн Совийга Ало ибн Ҳазрамий орқали юборилгани келган” [6:528а]

Муаллиф асарда мактубларнинг мамлуклар томонидан сақланиши ҳақида ҳам айтиб ўтади. Масалан, Миср ҳукумдори Муқавқисга юборилган мактубни оладиган бўлсақ, муаллиф асарда бу ҳақда шундай дейди: “Муқавқис пайғамбаримизнинг мактубларига катта хурмат кўрсатди. Уни фил тишидан ясалган бир қути ичига солиб, қутини муҳрлади ва уни муҳофаза қилиши учун чўриларидан бирига берди” [6:528а]

Ушбу мактуб, x.1267/1850 йили Мисрнинг Аҳмин районидаги қадимий бир черковдаги қибт китоблари орасидан топилган ва Усмоний халифаларидан 96-халифа Султон Абдулма-жид хон тарафидан сотиб олиниб, Истанбул Тўпқопи Саройининг Муқаддас омонатлар (Kutsal emanetler) бўлимига кўргазмага қўйилган [1:378].

Ҳирақлга жонатилган мактуб ҳам, Ҳирақл томонидан сақланади. Унинг бу ҳолатидан Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг бир ҳадислари ворид бўлган, лекин бу ҳадис Маъориж ан -нубувва асарида зикр қилинмаган.

Расулуллоҳ (с.а.в.) “У ҳали бир мунча муддат яна (салтанатида) қолади. Мактубим унинг

ёнида қанча вақт сақланса, ўшанча вақт унинг салтанати давом этади” дедилар .

Фароҳий асарда Нажжошийга юборилган мактуб ҳам, у томонидан ихтиром билан қабул қилиниб, куттида сақланганлигини ҳам айтиб ўтади. Бу ҳақида қуидаги маълумотни келтиради:

“Мактубни эса, ҳурмат билан бир чиройли қутига солиб, “Мактублар бу ерда турган муддатча Ҳабаш диёридан хайр ва барокат кетмагай” деди.” [6:528б] Бу маълумот Аҳмад бин Ханбал , Ибн Ҳишом (ваф. 213/828), Байҳақий (ваф. 458/1066 й.), Мухаммад ибн Саъд Зухрий (784-845) ва Табароний (260-360 х./873-971) ҳам зикр қилинган.

Мазкур асарнинг 9 бобида, ҳижратнинг олтинчи йили содир бўлган воқеалар қаторида Расулуллоҳ (с.а.в.) мусулмон ва гайри мусулмонларга юборган мактублари ва элчилар билан ахлоқ ваadolатни таъминлашда, ички ва ташқи ҳамжиҳатлик зарурлигига, мусулмонларнинг ичкари ва ташқарида бирдам бўлишга, доим эътибор қаратганликлари баён қилинади. Шу билан бирга динга киргандарнинг қадри – қиммати ва шаънини ҳам ҳимоя қилинганлиги келтирилиб ўтилган.

Муаллиф подшоҳ ва ҳукумдорларга юборилган мактубларнинг ўзига хос жиҳатлари ҳам очиб берган.

Мактублар ва унга боғлиқ расмий қоидалар: Пайғамбар (с.а.в.) юборган мактубларнинг моҳияти тавҳидга чақириқ, адолат, ваъдага содиқлик, ҳалқ тинчлигидир. Шахсий эҳтирослардан қочиши, олий ахлоқий тамоилиларни биринчи ўринга қўйиши ва элчи қонунига бўйсуниш кабилардан иборат бўлган. Пайғамбар (с.а.в.) томонларидан юборил мактубларнинг қисқа, ихчам тарзда ёзилганлиги маълумдир. Асарда келган мактубларнинг ҳолатига эътибор қаратсан, Муҳр ва унинг ўрни мактубларда катта аҳамият касб этган. Илк дипломатик муносабатларнинг шаклланиб ва ривожланиб бориш жараёнида таржимонлик фаолияти мактубларни ёзиш ёки уларни таржима қилиш билан бир қаторда, ёзилаётган мактубларда қўйиладиган муҳр ҳам ислом оламида эътибрлидир. Фароҳий асарда бу мавзуда қуидагича тўхталади:

“Расулуллоҳ (с.а.в.) исломга чақириш максадида подшоҳ ва мамлукларга мактуб ёзишни ихтиёр этдилар. Асҳобларнинг баъзилари айтдиларки, ё Расулуллоҳ (с.а.в.) мамлуклар муҳрсиз мактубларга эътибор қилмаслар. Расулуллоҳ (с.а.в.) олтиндан бир узук ясашни буюрдилар, саҳобалардан имкони бўлганлар ҳам тилла узук ясатиб, уни бармоқларига тақиб олдилар. Шунда жабраил а.с оллоҳдан ваҳий тушириб, олтин эркаклар учун ҳаром қилинганлигини билдириди. Шунда Расулуллоҳ (с.а.в.) дарҳол бармоқларидан узукни еҷдилар ва саҳобаларни ҳам шуни буюрдилар, сўнг кумушдан муҳр ясаттиридилар ва унга уч сўз ёзилган эди. Биринчиси Аллоҳ, икнинчиси Расул, учинчиси Мухаммад эди. Уламоларнинг узукни қайси бармоқларига таққанликлари борасида турли фикрларни айтганлар. баъзилари ўнг қўлнинг кичик бармоғига дейишган, баъзилари чап қўлнинг кичик бармоғида эди дейишган.” [6:528а]

“Бу муҳрдан Пайғамбар (с.а.в.)дан кейин Абу Бақр (р.а) Умар (р.а) ва Үсмон (р.а)лар фойдаланганлар. Лекин Үсмон (р.а) олти ой давомида ишлатдилар. Сўнг бу муҳр Арис қудуғига тушиб кетиб йўқолади, уни кўп излашади, аммо топилмайди”[6:528а]

Пайғамбар (с.а.в.) бу муҳрни яъни давлат муҳрини муҳофаза қилган ҳолда ундан ҳеч бир кишининг нусха олишига ёки шунга ўхшашини ясашга руҳсат бермаганлар. Бу тўғрисида қуидаги ҳадисни келтириб ўтамиз.

Нофеъдан, у Ибн Умар (р.а)дан ҳадис айтади, бу хабарда Набий соллалоҳу алайҳи ва салламдан ривоят қилинишича, У зот унга (яъни, узукка) «Мухаммадун росулуллоҳ» деган нақш қилдирдилар ва дедилар: «Ҳеч ким менинг ушбу узугимнинг нақши сингари нақш қилмасин» (Абу Довуд ривояти)

Асарда муаллиф мактублар учун муҳрнинг муҳим эканлигини баён қилиш билан бир қаторда, ҳалқаро муносабатлардаги расмий қоидаларнинг бири бўлган муҳр, илк бор Расулуллоҳ (с.а.в.) томонларидан жорий қилинганлигини таъкидланади. Мана шу даврдан бошлаб, мактубларга бу муҳр босиладиган бўлди. Бу маълумотни Маъориж ан- нубувва асаридан ташқари бир неча сийрат китобларида ҳам учратиш мумкин, шунингдек Ибн Саъдинг “ат Табақотул Кубро” асарида ҳам келган [5:198].

Мактубларнинг тузилиши: Расулуллоҳ (с.а.в.) дипломатик муносабатларни қуришда айниқса юборилаётган мактубларнинг ёзилишига ҳам эътибор берар эдилар Маъориж ан-нубувва асарида Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг мамлукларга юборган мактубларининг мазмунидан бир нечта хусусиятларини кўриш мумкин..

• Одатда мактублар қисқа ва лўнда, ҳамда исломга даъватни ҳам ўз ичига олар эди. Унда бошқа томонни таҳдид қиласидиган, ёки обрўсизлантирадиган иборалар ҳеч қачон киритилмаган.

• Асарда келитирлган мактублар бошланишида Расулуллоҳ (с.а.в.) хукумдорларга ўз унвонлари билан мурожаат қиласидиган. Ҳар бир хукумдорнинг хусусиятларини инобатга олган ҳолда ҳарфларнинг шаклларига ҳам эътибор қаратилиб, ўша тарзда ёзилган. Пастига эса муҳр ҳам босилган.

• Пайғамбар (с.а.в.) барча дипломатик ёзишмаларида басмала билан бошлаганларидир.

• Расулуллоҳ (с.а.в.) мактублардаги адабий нозикликдан ташқари, дипломатик тилдан фойдаланганлар.

• Хатларнинг мазмунини ҳисобга олсан, ўзига тўлиқ ишонч билан ва одоб нормаларига риоя қиласидиган ҳолда ёзилган.

• Юборилган мактубларда одамларнинг турмуш тарзи ва жойлар ҳисобга олинган, нафақат подшоҳлар исмлари ва уларнинг унвонлари билан мурожаат қилинган. Масалан; “Оллоҳнинг қули ва элчиси Муҳаммаддан Қибт (Миср) халқининг улуғи Муқаввисга...” ёки “Оллоҳнинг қули ва элчиси Муҳаммаддан Форс улуғи Кисрого....”[6:5286] каби жумлалар билан бошлаганлар.

• Пайғамбар (с.а.в.)нинг мамлукларга юборган мактублари ҳамиша бир хил услубда бўймаган. Хатларнинг услуби, усули ва мазмuni юборилиш жойига кўра бир-биридан фарқ қиласидиган. Пайғамбаримиз (с.а.в.) Уммон, Ямома, Баҳрайн каби араб подшоҳларига қаттиқ хитоб қиласидиганлар, бу кичик араб давлатларига нисбатан қаттиқ дипломатик тилни ишлатиш зарур эди. Форс ва юонолар раҳбарларини юмшоқ мурожаат билан Исломга таклиф қиласидиганлар.

Фароҳий асарда мактубларнинг тўлиқ матнини келтирмасдан уларнинг қисқача мазмунини баён келтирган.

Муъиниддин Фароҳий асарда мактубларни подшоҳларга олиб борган элчиларнинг тил билиши борасида ҳам турли ривоятларни келтиради. У ровийларини келтирмай қуйидаги ривоятни келтиради:

“Ривоят қилинишича Расулуллоҳ (с.а.в.) мактуб билан юборган элчилари у юртнинг тилини билмас ва у юртга боргандан бир кеча ўша ерда ухлаганидан сўнг, тонг отганида у юртнинг тилини биладиган бўлиб қоладилар. Бу эса Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг мўъжизалариданdir”.[6:442a]

Ислом оламида олиб борилган дипломатик муносабатлар жараёнида ёзилган мактублар ҳам мазмунан бир-биридан фарқ қиласидиган. Маъориж асарида Расулуллоҳ (с.а.в.) томонларидан ёзилган умумий мактублар ҳақида келган ривоятлар ўрганилганда, бу мактублар орасида иқтисодий мавзуларга тегишли бўлган, ер эгалигигига тегишлилари, омонлик масаласидаги мактублар[6:4326] ва асосийси подшоҳ ва амирларга юборилган номаларини кўришимиз мумкин, Шунингдек асарда келтирилганидек Пайғамбар (с.а.в.)нинг мактубларида ислом динига оид масалалар баён этилган. Ўз навбатида ички қонунчиликка оид қоидалар, мусулмон амалдорлари ва вакилларига мўлжалланган ислом динининг асосий тамойилларини ўз ичига олган тавсиялардан иборат бўлган. Бунга фикъий қоидалар ҳам кирган.

Фароҳий асарда келтирган мактублар мавзусига оид ривоятларнинг ўзига хослиги, айниқса ўзга дин подшоҳларига юборилган мактубларда Исо ва Мусо (а.с.)лар зикр қилинган қолаверса мактубнинг мазмун–моҳиятини тушунтириб бериш юборилаётган элчи юклатилган. Юборилаётган элчилар ҳам Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг сухбатидан ўтган ва у зотнинг ўзлари ўша элчиларга улар билан қандай алоқа ўрнатиш, саволларга қандай жавоб бериш кераклиги баён қилинган. Бу ҳолатни Фароҳий “Маориж”да қуйидагича келтиради:

Айёс ибн ал Маҳзумий р.а билан мактуб жўнатар эканлар, унга шундай насиҳат қиласидиган: “Уларнинг юртига етганингда, кечқурун кирмагин, тонгача кутгин. Кейин яхши таҳорат олиб, икки ракат намоз ўқигин. Бошпана топ. Менинг мактубимни ўнг қўлинга олиб ўнг қўлинг билан уларнинг ўнг қўлига бер. Улар хатни олганларида “Баййина” сурасини ўқигин. Сурани ўқиб бўлгач, “Мен Муҳаммадга иймон келтирдим ва илк иймон келтирганларданман.” деб айт” дедилар” [6:442a]

Бу ҳолатдан кўриниб турибдики Пайғамбар (с.а.в.)элчиларга ўзларини қандай тутишни ва қандай жавоб бериш кераклигини ҳам айтиб ўтганлар. Пайғамбар (с.а.в.) мактаблари, халқаро хукуқ ва ахлоқий тамойиллар ўртасидаги мувофиқликни зарур деб ҳисоблаган..

Хулоса қилиб айтадиган бўлсан, асарнинг бу мавзуга бағшланган фаслда муаллиф томонидан келтирилган ривоятлардан подшоҳларнинг Расулуллоҳ (с.а.в.) дипломатик муносабатларда

жуда эътиборли ва халқаро ҳуқуқий нормаларга мос равишда олиб борилганини кўриш мумкин. Қолаверса Расулуллоҳ томонларидан юборилган мактубларнинг мазмун моҳияти адолат, ваъдага содиқлик, халқ тинчлиги каби мезонлар билан бир қаторда, шахсий эҳтирослардан қочиши, олий ахлоқий тамойилларни биринчи ўринга кўйиш ва элчилик қонунига бўйсуниш қабилардан ҳам иборатдир. Расулуллоҳ (с.а.в.)нинг дипломатик фаолиятларидан ўзаро мулоқот, фазилат, мазлумларни химоя килиш, дўстликни ўрнатиш ва бу каби фазилатли тамойиллар доирасида амалга оширилаётгани кўриниб турибди.

Фойдаланилган адабиётлар ва манбалар рўйхати

1. Алихон Тўра Соғуний. Тарихи Муҳаммадия. Мунир нашриёти. 2021
2. Байҳақий, Абубакр Аҳмад ибн Ҳусайн .Ас Сунанул- кубро II жилд. Мактабату дорил – боз, Макка, 1994.
3. Имом Бухорий, ат-Тарих ал-кабир. III. Дорул -фикр, Барут, 1986.
4. Ибн Ҳишом. Ас-Сийра ан -Набавийя, I жилд. Тошкент.2020
5. Ибн Саъд. Табақотул Кубро, с 1, 198, Дору содр, Байрут, санасиз.
6. Муъиниддин Фароҳий. Маъориж ан- нубувва фи мадориж ал- футувва. Туркия.Сулеймония кутубхонаси, Аясоғя коллесяси, 3442 рақамли нусха. 520а, 585а,594а, 592а, 586а, 432а, 442а, 528а,432а.
7. Муҳаммад ибн Саъд Зухрий. Ат-Табақот, I жилд.
8. Табароний. Ал-Муъжамул-кабир. XX жилд 80-бет. Мактубутул - улум вал- ҳикам, Мосул, ҳиж.1404
9. Хондамир.“ Ҳабиб ас- Сийар” IV- том. Б. 340 Техрон нашри.
10. Ўзбекистон СВР фанлар академиясининг шарқ қўлёзмалари тўплами IV- том. 14-бет.